

O'ZBEKISTON

2000 йил
22 МАРТ,
ЧОРШАНБА

№ 37 (25.587).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN
CHIQA BOSHLAGAN

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКISTON ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ



ЎЗЛИК ТИМСОЛИ

21 март. Соат 10. Мамлакатимиз пойтахтидаги Алишер Навоий номидаги Миллий бог байрамона безатилган. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари тўпланган.

Тантанана йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовни давомли қарсақлар билан қаршилайди.

Президент Ислоом Каримов, Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Тошкент шаҳри ҳокими Қозим Тўлаганов, давлат масла-

ҳатчилари, Олий Мажлис раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари марказий минбардан жой олади.

Чорлов мусиқаси янграб, байрам тантаналари бошланганидан дарак беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов табрик нутқи сўзлади.

Ўртбошимиз қадим тарихимиз ва маданиятимиз, миллий ўзлимиз тимсоли бўлган, инсон руҳи ва қалбини янгилайдиган, пок орзу-ҳавасларни уйғотадиган фазилатли айём билан мамлакатимиз халқини муборакбод этди.

ЧИЗГИ

Карнай садолари ила кўкка шарлар учирлади ва бой-чечакнинг улкан тимсоли очилади,

сахнага лолалар кириб келади. Кўшиқларда Ватан, Наврўз мадҳи. Най навоси, қушлар сайрашига ҳамоҳанг тарзда уйғунлашади.

Майдонда оқ турналар. Хуш келибсиз турналар. Ватан осмонини безаган нурлар. Кўккам элчилари, азиз турналар.

Сумалак. Момоларимиз Наврўз кунларига, муқаддас сумалакка шукрона айтади.

Кулгу ҳамроҳинг бўлсин элим. Саҳнага сўз усталари, қизиқчилар чиқишади. Аскиялар айтилади. Кулгу ва шодликларинг мангу бўлсин халқим. Байрам давом этади.

Байрам томошаларидан сўнг Президент Ислоом Каримов оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатлашди. Ўртбошимиз,

аввало, байрам томошаси юксак савияда ўтганини таъкидлаб, унинг ташкилотчилари ва иштирокчиларига самимий миннатдорлик билдирди. Наврўз минг йиллардан буён яшаб келаётган халқ байрами, бинобарин, бундай томошаларда қадимий анъаналаримизга кўпроқ эътибор бериш зарур. Миллий урф-одатларимиз, фақат ўзимизгагина хос маданиятимиз ва санъатимизни намойиш қилиш Наврўз руҳига жуда мосдир, деди жумладан Президент.

КЕЛАЖАКНИНГ УЙҒОҚ НИГОҲИ

Чоғоҳ маҳали. Тошкентнинг катта сайилгоҳларида одам янаям гавжумлашди. Йўлақлар тирбанд. Кўчаларда кишилар дарё бўлиб оқмоқда. Бундай пайтада ўзингга таниш чехраларни излайсан. Аслида қаршингдаги одамлар тўлқинига қўшилиб, улар билан катта шодийнага бирга чиққанинг ҳам бутун бир элни қутламоқ ниятида эканлигини англагати.

— Ойим... Мени табрикладилар...
— Байрам билан-а?
— Ҳа. Бугун менинг туғилган куним ҳам.
— Сен Наврўз кунини туғилганмисан?
— Ҳа... 21 мартда.
— Катта бўлсанг учувчи бўлсанг керак-а?
— Йўқ... Шоир бўламан.
— Тушунмадик...
— Шоир. Шеър ёзаман. Дадам ҳам шоирлар...
— Зўр-ку... Абдулло бонгондай машхур шоир бўларкансан-да.
— Ҳа... Дадам ҳам шундай дейдилар.
— Абдулло Ориповни танийсанми?
— Ҳа... Шеърларини ёддан биламан...

Болакай Абдулло аканинг иккита шеърини айтиб берди. Юрагимиз титраб кетди. Вужудимиз жимирлади... Ай, ўзимнинг шоир болама... Кўнглингдан айланай сенинг. Оллоҳ иқболингни берсин. Катта элнинг катта юраги бўлиб гурил-лаб, ёниб, чарсиллаб юргин. Бу элнинг чавандози, полвони машхурлари, шоирларининг ҳеч қачон юки

ерда қолиб кетмас экан. Одамларнинг чехраси чарғон... Тўлқин-тўлқин бўлиб оқмоқда одамлар. Дарё-дарё бўлиб сайилга чиққан одамлар. Бир пайтлар Наврўзи тўхтатилган, сумалаклар қайнаётган ўчоқларига тупроқ ташланган, дошқозонлари ағдарилган халқнинг озод туғилган болакайларининг фикрлари эса ҳеч бир изоҳга муҳтож эмас... Мана улар:


— Мен Шаҳнозаман... Таржимон бўлмоқчиман. Чет давлатларда ўқимоқчиман. Агар мамлакатимизга бошқа давлатларнинг Президенти келса уларнинг гапини таржимон қиламан.

— Ешинг нечада?
— Саккизда.

Биз мурғак дилнинг ўй-ҳавасини шундайлигича қозоғга туширдик. Унинг қалбига сингган бу эзгу туйғуда бутун бир халқ сингари ўз Ватанига нисбатан улкан бир меҳр бор эди. Ватан, шундай ёрқин ният жажжиларинг билан гурурланмай бўладими?! Эрта-миздаги муваффақиятлари

(Давоми 2-бетда)

ОЛАМ ЁРУҒ, ЧЕХРАЛАРДА НУР, НАВРЎЗ КЕЛДИ — ҚУР ТАШЛАЙЛИК, ҚУР!



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Бугун бизнинг саховатли, бетакрор ва гўзал заминимизда катта байрам, улуг шодиёна.

Баҳор ва уйғониш, янгилик ва эзгулик, меҳр-муҳаббат, қадр-оқибат, хайру саховат рамзи — Наврўзи олам кутлуг қадами билан юртимизга кириб келмоқда.

Кўҳна тарихимиз, қадим маданиятимиз, миллий ўзлимизнинг мужассам тимсоли бўлиши, инсон руҳини ва қалбини янгилайдиган, пок орзу-ҳавасларни уйғотадиган, биз ҳамisha мунтазир бўлиб кутадиган мана шу фазилатли айём билан барчангизни чин дилдан муборакбод этаман.

Қадри дўстлар!
Ҳаёт бор экан, одамзот бор экан, инсон ҳамisha эзгулик, эркинлик ва рўшноликка интилиб яшайди, дунёда яхшилик ва адолат ҳукмрон бўлишини истайди.

Наврўз айёмида одамзот ҳаёт абадийлигини, умрнинг мазмун-моҳияти, савоб ва эзгу ишларнинг қадр-қимматини айнақса теран англайди.

Офтоб ерни қиздириб, кўккам шабадалари эганда, дарахтлар куртак очганда одамнинг юрагида мудраб ётган саховат, шафкат, меҳр-оқибат туйғулари уйғонади.

Бева-бечора, муҳтож одамлар ва оилаларга кўмак бериш, уларнинг аҳволдан хабардор бўлиш, ҳаёт хузур-ҳаловатларидан уларни баҳраманд қилиш, меҳр-муруват кўрсатиш каби эзгу интилишларимиз, уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни обод этиш айна Наврўз кунларида намойиш бўлиши халқимизнинг табиатига мосдир.

Янги меҳнат мавсуми бошланганидан бу ажиб дамларда ризқ-рўзимиз бунёдкори — бободехқон яхши ниятлар билан дала-сига уруғ сочади.

Наврўзи олам кунларида халқимиз ўзининг табиатга яқинлигини, қадридонлигини янада чуқур ҳис этади, кенг далалар, қир-адирлар, бог-роғлар, ям-яшил яйловлар, тоғлар бағрида сайил-томошалар ўтказиб, шу кунларга етказгани учун Оллоҳга шукроналар айтади.

Баҳорнинг сумалак, ҳалим каби тансиқ неъматлари тортилган Наврўз дастурхони атрофида ҳамisha қариндош-уруғлар, ёру биродарлар, узоқ-яқиндан келган азиз меҳмонларнинг очик кўнгли, ёруғ юз билан жамулжам бўлиши — бизнинг азалий одатимиз.

Муҳтарам юртдошларим!
Бугунги улуг айёмнинг асрлар давомиди элимиз учун энг азиз ва ардоқли байрам бўлиб келатганининг албатта ўз сабаблари бор.

Наврўзи олам ўз моҳияти, ўз руҳи, ўз нафаси билан халқимизнинг олижаноб қалбини, унинг асл табиатини ифода этади.

Шунинг учун ҳам ҳеч қандай куч Наврўзини на зўрлик, на алдов билан халқимиз хотирасидан, маънавий ҳаётимиздан ўчара олди.

Наврўз руҳи халқимизнинг бутун дунё билан ҳамжиҳатликда тинч-тотув яшаш, ҳар қандай зўравонликни рад этиб, эзгу мақсадларни қўлиб-қувватлашга бўлган олижаноб интилишларида, умуминсоний қадриятларга бағоят уйғун эканида яққол намойиш бўлади.

Бугунги эркин ва озод ҳаётимизда Наврўз янгича маъно касб этаётгани, юртимизда яшайётган юзлан ортиқ мыллат ва элатларнинг ҳам қутлуг байрамга айланиб, уларнинг ижодкорлик намуналари билан бойиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Бунинг яна бир тасдиғи — ҳазрат Навоий номи билан аталган мана шу гўзал богимизда, сайил майдонидида ўтказилаётган бугунги тантанави томошалардир.

Азиз дўстлар!
Мана шу фурсатдан фойдаланиб, Наврўз шодиёнаси ва хурсандчилик байрамини ўтказишга, дилчимиз шод қилишга катта тайёргарлик кўриб келган юртимизнинг ноёб ва бетакрор санъати намояндачларига, халқимизнинг сеvimли ижодкор ва ижрочиларига, ташкилотчиларга барчамизнинг номимиздан самимий миннатдорчилик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Гўзал Фарғона vodiysидан, қадим Самарқанду Бухоридан, Қорақалпоқ ва Хоразм воҳасидан, Сурхон ва Қашқадарё вилоятларидан, Навоий, Жиззах ва Сирдарёдан, Тошкент вилояти ва пойтахтимиздан, мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келиб, бугунги улуг айёмга фойз бағишлаб ўтирган сиз азиз юртдошларимга, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор ўзимнинг самимий тилакларим ва иззат-эҳтиромимни билдираман.

Наврўз шодиёнасида иштирок этаётган барча меҳмонларга — хорижий давлатларнинг элчиларига, халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари муҳбирларига барча халқимиз номидан, уларни бизнинг юртимизга, кўҳна урф-одатларимиз ва маданиятимизга билдирган ҳурмат-эҳтиромимиз учун чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Кутлуг Наврўз тонгида мен мана шу юксак минбарда туриб, нуруний отахон ва онахонларимизга, мунис опа-сингилларимизга, умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган навқирон ёшларимизга чин қалбимдан айтмоқчиман:

Азиз бошингиз омон, иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқ — насибангиз доимо бутун бўлсин!

Бугунги баҳор ва шодлик айёмида ният қилган жамики тилакларингиз рўёбга чиқсин!

Ҳар бир хонадонга тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат, бахт-саодат ёр бўлсин!

Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин!

ОЛАМ ЁРУФ, ЧЕХРАЛАРДА НУР, НАВРЎЗ КЕЛДИ — ҚУР ТАШЛАЙЛИК, ҚУР!



(Давоми. Боши 1-бетда)

миз, зафарларимизни мана шу митти қалбар шижоатидан сезаск бўлади. Англадки... Наврўзни катталар сингари болалар ҳам ўз дунёқарши ва ўз олами билан идрок этади. Энг чиройли орзулар, тилаклар, ниятлар айтимокда.

ФАЛАККА БИР АЛЁР ЎРЛАДИ

Юртнинг жануб воҳасида қалдирғочлар барвақт парвоз айлади. Ўриклар эрта гуллади. Ирмоқларда музойналар югқа тортиб қуёш нурларига дош беролмади. Қирлар юзига яшиллик инди. Баҳор ҳар галликдек жанубдан

келди.

Наврўз бахшиларнинг айтишувисиз ўтмайди. Қирларни одам босади. Кўпкери бўлади. Бу ёғи Тожикистон, нарёғи Туркменистон, Қирғизистону Қозғистондан чавандозлар келади. Қарсиллаган курраш бошланади. Зўрлар сараланади. Ҳалинчак алёрлари айтилади. Қиз-жувонлар қиш бўйи тикан палакларини кўз-кўз қилади. Болалар оқ теракми, кўк терак айтиб уйнашади. Зувиллатар, чиллак, қочартўп, оқсуяк, дашин-бобок, тезчопар бўлади. Қайси қишлоқнинг болалари ютса, келаси Наврўзгача ўша қишлоқ болаларининг гапи баланд бўлади. Уйларда сўра-сўра бош-

ланади — кексалар, касал-вандлар бор оилаларга кўни-қўшни, эл-улус кириб ҳол сўрайди. Қуруқ кўл билан эмас албатта. Кейин, ҳолва, нишолда, сочпопук сингари ширинликлар ортиқлар уловлар кўчама-кўча кириб чиқади.

Наврўз меҳр-мурувват байрами эканлиги намоён бўлади. Бир-биридан гапи қочиб аразлашганлар ўртасидаги совуқлик кўтарилади. Агар кимки шундай қилмаса, қишлоқ ахли ёмон кўради. Бундай кишини «тузалмас» дейдилар. Ҳар ҳолда «тузалмас» деган номни ортиришга қишлоқ кишининг юзи чидамайди. Шундай бўлгач, ҳалиги ўртасидан оламушук ўтганлар бир-бириникига ўғли ё қизидан нарса жўнатади. Масалан, сумалак. Бошқаси эса бунисиникига қатпирми, қатламами... нимадир қайтариб жўнатади. Шунда «урушган»лар қайта ярашишади.

Энг муҳими... Одамлар яйрамоқда. Олам яшнамоқда... Сурхондарёдан Қашқадарёгача байрам шукҳи ҳукрон. Жиззахдан таралган карнай-сурнай сардолари Сирдарё бўйлари-гача етди. Бухоро-ю, Навоий, Хоразм ва Қорақал-



ЎЗБЕККА ЕРИНГ СЕРҲОСИЛ, БУҒДОЙИНГ КЎП, КУНИНГ ТИНЧ, БОЛАНГ ОМОН БЎЛСИН ДЕНГ

Ана, ўзини ўнглаган, қаддини тиклаган Ўзбекистонда тўй бугун. Биз бани-башарга яхшиликлар айта-миз. Майли, олис қитъаларми, яқин мамлакатларми барча-барча давлатларга сумалак тутамиз, қўлимиз кўксимизда таъзим қилиб тўйга марҳабо деймиз. Бугун биздан момозамин шод — биз тирикликни улуғла-япмиз. Риққни алқаяпмиз. Куёшни ардоқлаяпмиз. Осмон мадҳини куйлаяпмиз. Наврўз байраминда фақат шундай катта ниятлар ай-тилади.

Биласизми, Наврўз тинч-лик рамзи. Бу халқ Наврўзда чумолига озор беришдан ҳам ҳазар қилган. Ва бутун инсоният шундай бўлишини истаган. Шунинг учун ҳам бу халқнинг улуглари ҳар кунинг Наврўз бўлсин деб ўтишган.

Ерга боққан дехқоннинг ўйини шарҳласак, унинг ҳароратидан қуёш танг қолади. Майса ун, буғдой буй кўрсатиб, насибамизни бер замин, деб ўйлайди ўзбек дехқони. Шунинг ўзи дунёнинг буюк китобларидаги буюк гаплардан ҳам баланд эмасми? Ўзбек шундай халқ. Унга еринг серҳосил, буғдойинг кўп, осмонинг тинч, боланг омон бўлсин, деб кўринг, қалбини, бабини Сизга кенг очади. Бу тўйгу бу халқнинг қон-қонига сингиб кетган...

Наврўз — инсониятга эзгулик ашигини очмоқ учун куч топишга ундагувчи қудратли бир давлатдир.

Содда қилиб айтсак, Наврўз майсани босма — ТИРИКЛИК ЮЗИГА ТЕРС ҚАРАМА, деб ўргатувчи донишмандлик айёмидир.

■ **Алишқул СУЛТОНОВ, Кўчқор НОРҚОБИЛ, Фаррух ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**
Суратларда: Наврўз шодиёна-ридан **наҳаллар**.
Абдувоҳид ТўРАЕВ ва Мухоммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

МУҲИМИ НАЗАРДАН ҚОЛМАСЛИК

— дейди Жиззах вилоятидаги Акмал Икромов номли пахта тозалаш хиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Абдумалик Мамасолиев

— Раҳбарлик масъулияти деганда нимади тунунасиз? — Раҳбар — эл назаридеги киши. У жамоанинг етакчиси, халқнинг хизматкори. Бу эса раҳбар зиммасига катта масъулият юк-лайди. Шунинг учун ҳам раҳбарликнинг барча бўғин-ларига инсофли, диёнатли кишилар келиши муҳим. Аксинча, одамлар дардига қулоқ солмайдиган, балойи нафс қулига айланган кимсаларнинг раҳбарликнинг турли бўғинларига келиб қолиши жамиятимиз учун ўта хавфли илатдир. Одатда мансаб, лавозим кишига

ўзида жамлаган технологи-яларнинг жорий қилиниши ҳисобига бир йилда 2 мил-лион сўмга яқин маблағ те-жаб қилинапти. Ишчи-хиз-матчилар учун ошхона ва чойхона ишлаб турибди. Қорхона қошдаги тикувчи-лик цехида махсус кийим-кечак ва қўлқоп тикиш йўлга қўйилган. 60 гектар-лик ёрдамчи хўжалигимиз-дан келаётган даромаддан жамоа аъзолари моддий манфаатдор бўлишяпти. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақлари эса 18000 сўмга тўғри келяпти.

— Ишлаб чиқариш жара-



Биз даромадимиз ва фойда-мизнинг бир қисmini иш-лаб чиқариши тақомил-лаштиришга сарфлаётган бўлсак, каттагина қисмини жамоамиз аъзоларини ижти-мой ҳимоялашга, туманда-ги кам таъминланган, бо-қувчисини йўқотган оила-ларни қўллаб-қувватлашга ишлатаймиз. Хусусан, яқин бир неча ой ичда қорхо-намизга қараши «Пахтаой» болалар боғчаси учун 18 хилдаги турли ўйинчоқ-лар, юмшоқ ва қаттиқ жи-ҳозлар олиб бердик. Бундан ташқари 12 нафар кам таъ-минланган оилаларга мод-дий ёрдам ушатирилди, 2 та ота-она меҳрига ташна бо-лақонларнинг суннат тўйи-ни ўтказдик. Хизматчилар-нинг бўш пайтларини кўнглили ўтказиш, уларнинг дам олишларини ташкил қилиш, соғлиқларини тик-лашга шарафит яратиб маса-ласи маъмуриятнинг доимий диққат марказида турибди.

— Жамоа аъзоларининг қайфиятлари қалай?

— Ишчи-хизматчилари-мизнинг руҳлари тетик. Эр-танги кунга ишонадилар. Қундалик ишлаб чиқариш жараёни бир марома давом этапти. Бир сўз билан ай-тганда, эл назаридан қол-масдан, ютуқларни янада оши-риш ниятида меҳнат қила-япмиз.

■ **Сўхбатдош: Иброҳим ЖОНЎЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Суратда: қорхона ишчи-хизматчилари-нинг шу кундаги бунёд-корлик меҳнатидан айрим лавҳалар. **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**



бойлик тўплаш, ошна-оғай-нисига хизмат қилиш, кай-фо сафо учун берилмади. Аксинча у юксак масъули-ятни, роҳат-фароғатлардан воз кечини талаб қилади. Зеро, кўпга бошчилик қилиш, етакчи бўлиш — бу гоят шарафли, айни пайт-да оғир иш. Шундай экан, ҳар қайси раҳбар аввало зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиши, элнинг ишончини суиестемол қилмаслиги зарур. Токи у элнинг назаридан қолма-син.

— Жамоангиз фаолияти ҳақда қисқача сўзлаб бер-сангиз.

— Жамоамизда 417 нафар ишчи-хизматчи ва муҳан-дис-техник ходимлар меҳ-нат қилишади. Утган йили туманлардаги пахтакор хўжалиқларидан 32925 тон-надан ортиқ пахтани қабул қилиб олдик. Шундан бун-гунгача 16600 тоннадан кўпрогини қайта ишлаб, олинган толамини Швейца-рия, Голландия, Америка, Қўшма Штатлари, Англия ва Россия давлатларига жўнатдик.

Қорхонамизда сифатли тола ишлаб чиқариш им-конини берадиган замона-вий, энг сўнгги ютуқларни

ёшларда жонқуярлик қила-ётганлар тўғрисида нима дейсиз?

— Жамоамизда бири-би-ридан филоий, жонқуяр ин-сонлар кўп. Эркин Далабо-ев, Қарим Эсиргапов, Мур-тоз Иззатуллаев, Орзуқул Мардонов, Илҳом Жўраев, Бўрибой Маҳатов, Абзаир Нуржовов, Ойбек Мама-тқулов, Хонимой Қорабе-кова сингари ишчиларимизни ўз касбининг чинакам уста-лари деб айтишим мумкин.

— Даромад, фойдани қай мақсадларга йўналтирилгани хусусида ҳам тўхталингиз?

— Даромадимиз ҳам, соф фойдамиз ҳам ёмон эмас. Жорий йилда 8 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олишни мўлжаллаяпмиз.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 21 мартдан бошлаб ҳисоб ва божиона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қувватини қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	89,39
1 Австралия шиллинги	10,31
1 Англия фунт стерлинги	230,51
10 Бельгия франки	35,16
1 Голландия гульдени	64,36
10 Греция драхмаси	4,25
1 Дания кронаси	19,06
1 БАА дирхами	39,86
1 АКШ доллари	146,40
1 Миср фунти	42,66
10 Испания песети	8,52
100 Италия лираси	7,33
1 Канада доллари	99,45
1 Хитой юани	17,69
10 Люксембург франки	35,16
1 Малайзия ринггити	38,53
1 Германия маркиси	72,52
1 Польша злотийси	35,92
1 СДР	197,09
1000 Туркия лираси	0,25
1 Финляндия маркиси	23,85
1 Франция франки	21,62
1 Швейцария франки	88,04
1 ЕВРО	141,83
10 Жанубий Корея вони	1,31
10 Япония иенаси	13,82
1 Россия рубли	5,15
1 Украина гривнаси	26,86

*Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Баҳор келиши билан та-бият ўз гўзаллигини намоён қилади. Бу даврда инсон организмиде ҳам ҳар хил ўзгаришлар содир бўлиб, ви-тамин ва минерал моддалар-га эҳтиёж сезила бошлайди. Халқимиз орасида бу «илик узилди даври» деб ҳам ата-лади. Шунинг учун орга-низм витаминларга бой, озу-қавий ва шифобахш хусу-сиятларга эга бўлган ўсимлик-лардан тайёрланган таомлар истеъмол қилишни хоҳлай-ди. Баҳорда, айниқса, наврўзда ўсимликларга ҳар хил ишлов бериб, улардан турли тансиқ таомлар тай-ёрлаш анъанавий услуган. Булардан кенг тарқалган-лари сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара ва ҳоқа-золардир.

Сумалакнинг фойдаси ҳақида афсоналар бор. «Су-малакни наврўзда тўйиб еган киши йил давомида касал-ликларга чалинмайди» деган нақд ҳам бежиз айтилмаган. Маълумки, сумалак уни-рлиган буғдой шарбатидан тайёрланади. Буғдойнинг ўсимтаси, асосан, углевод ва оқсиллардан иборат. Унинг таркибиде бетакарот-тин, тиамин, ниацин, В₆ ва бошқа витаминлар бўлиб, бундан соғу-бемор учун жуда зарур бўлган С витамини мажмур. Буғдой ўсимтаси-ни 1936 йилда немис олим-лари Эмерсон ва Эванс тек-шириб қўриб, буғдойда «то-коферол» моддаси борлиги-ни, яъни бу жинснинг тар-кибиде учрайдиган Е вита-минининг ўзгичаси эканли-

гини тасдиқлашган. У эр-какларни наслсизлик касал-лидан, аёлларни эса бевакт бола ташлашдан сақлайди. Сумалак гипертония, сурун-кали гепатит касалликлари-га яхши даводир. У қон тар-кибини яхшилайди, томир-лар торайганида қонни су-қултиради, ошқозон-ичак йўллари тозалайди, унинг фаолиятини яхшилайди, яъни ичми юриштиради, ки-шининг иссини орта тенг-лайди, асабини созлайди. Би-роқ баъзи хасталиқларда, масалан, меъда ва ўн икки

таом сифатида ҳам қўллани-лади.

Халқимиз истеъмол қилишга одатланган маҳал-лий махсулотлар — мош ва нўхатни ҳам ундириб, улар-нинг витамин ва оқсиллар миқдорини ошириш мум-кин. Ўзбекистон Республи-каси Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги Диетология мар-казида бу маҳаллий махсулот-лардан янги технология асо-сида «Парҳез мошхўрда» тайёрлаш ишлаб чиқилди. Уларнинг анъанавий баҳор таомларига ўхшашиги би-

ёзли ва бошқа хилма-хил кўкатлар қўшиб тайёрланган салатлар истеъмол қилина-ди. Баҳор кўкатлари вита-минлар, микро ва макроэле-ментларга, айниқса С вита-минига бойдир. Маълумки, С витамини қон томирлар деворини мустаҳкамлайди, яллиғлинишга қарши хусу-сияти билан ажралиб тура-ди. Шу сабабли у нафақат даволончи, балки касаллик-ларнинг олдини олишда ҳам аҳамиятга эгадир. Инсонлар томонидан севиб истеъмол қилинадиган баъзи шифо-

қат ҳазм қилувчи фермент-лар ишлаб чиқарилишини яхшилайди. Пиёзнинг ан-диритромбоз хусусиятга эга эканлиги кузатувларда маъ-лум бўлди. Бу юрак ишемик касалликлари, ҳафқон кас-саллиги ва улар асоратлари-нинг олдини олади. Анти-тромбоз хусусиятига кўра кўк пиёз аспириндан сама-ралироқдир.

Ўқроп — кўк пиёз каби хушбўй хиди туфайли барча таом ва салатларга қўши-лади. У С ва В гуруҳ вита-минлари, бета-каротин, фи-тонцидлар ва эфир мойларига бойдир. Қадимдан табобатда тинчлантирувчи, ел ҳайдовчи, сий-длантирувчи, йўтал қучирувчи, ял-дизанишга қарши, эмизувчи оналарда сутни

кўпайтирувчи восита сифа-тида тавсия қилинган. За-монавий тиббиётда ҳам укропдан фойдаланилади, унинг даламаси қон бо-сини тушириш, ичак пери-стальтикасини камайитириш, юрак-қон-томирларини кен-гайтириш хусусиятига эга эканлиги аниқланган. Укропдан кўкат сифатида фой-даланилганда меъда шира-сининг ажралиши, ўт ҳай-далиши яхшиланади, шу ва-ждан меъда шираси кам-лиги сабабли кечувчи гас-трик билан касалланган ин-сонларнинг иштаҳаси ва аҳволи яхшиланади, ҳаф-қон касаллигининг I-II ста-дияларини даволашда укроп

тавсия қилинади.

Редиска — мазасининг ан-тикалиги билан ажралиб ту-ради. Ундан салатлар тай-ёрланади. Редискада А,В гу-руҳи, С ва бошқа витамин-лар ва микроэлементлар бор. Редиска таомнинг яхши ҳазм бўлишига, ичак пер-стальтикасининг меъда бўлишига ёрдам беради.

Ялпиз — баҳорда миллий таомлар тайёрлашда кенг қўлланилади. Халқ табо-ба-тида ялпиздан жигарнинг сурункали касалликларни, ўт йўллари яллиғлинишларини даволашда, иштаҳани яхши-ловчи, овқат ҳазм қилувчи, ел ҳайдовчи, ичнинг суёқ қилишига, кўнгли айнаш ва қусишга қарши восита си-фатида фойдаланганлар. За-монавий тиббиётда ялпиз-дан эфир мойлари, валидол, корвалол, валокордин каби юрак дориларини тайёрла-шда, йўталга қарши пектус-син дорисини тайёрлашда қўлланилади. Ялпиздан тай-ёрланган ментолдан эса ту-ром, бош оғриги — мигрень касалликларига фойдалани-лади. Ялпизнинг қуритилган-ни меъда, ўт ҳайдовчи ва асабини тинчлантирувчи йи-гмадан таркибига қиради.

Шундай экан, баҳорнинг бу шифобахш дармондори неъматларидан унумли фой-даланмоғимиз зарур.

■ **Ш. ЗОКИРҲУЖАЕВ, Диетология илмий маркази «Парҳез даво лабора-торияси» профессори, А. ЗОКИРОВА, катта илмий ходим, тиббиёт фанлари номзоди.**

БАҲОРНИНГ ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАРИ

дан бирга афзалликлари ҳам бор. Улар витаминларга бой, таъми ёқимлигина бўлиб қолмасдан, оқсилни кўп ту-ганлиги сабабли организм-нинг иммун статусини оши-ради ва регенерацияни, яъни шикастланган аъзонинг жа-роҳати битишини тезлашти-ради. Мош ва нўхатнинг та-шки қобили — кўпол клет-чаткаси янги технологияда олиб ташланганлиги сабаб-ли бундай беморларда қоринда оғриқ, меъда қай-наши каби диспептик ҳолат-лар кузатилмайд.

Булардан ташқари таомлар билан бирга ҳар хил, маса-лан редискали, кўк пиёзди, петрушкали, саримсоқ пи-

бахш ўсимликлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Кўк пиёз — нафақат ши-фобахшлиги, балки таъми ва хидининг ўзига хослиги, та-миннинг қўриқиниши кўркамлаштирилганлиги са-бабли таом ва салатлар тай-ёрлашда қўлланилади. Унинг таркибиде жуда кўп эфир мойлари, фитонцид-лар, каротин, Е, С, В₆, В₁₂, биотин, фолалин вита-минлари; органик кислота-лар, калий, кальций, хлор, темир, йод ва бошқа орга-низм учун зарур бўлган эле-ментлар бор. Тиббиётда да-волаш ва профилактика мақса-дида кенг фойдалани-лади. У иштаҳани очади, ов-

ЧОРЛАЙДИ САМО ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон жуда қулай жур-рофий мавқени эгаллаган. У Европа ва Осиё ўртасидаги ўз-га хос транспорт бўлини ҳисоб-ланади, деб таъкидлади мух-биримизга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконани-яси тижорат департаментининг директори Исмом Иброҳимо-вич Салимов. Айнан шу бонс бизнинг куч-қайратларимиз янги ҳаво йўналишларини очиб беришига қаратилган. Чунки, баҳор-ёз жадвали бўйича ишлашга ўтаётган миллий авиаконани-яси йўналишларига янги кат-новларни тақлим этади. Ита-лия, Ҳиндистон, Буюк Британия авиамашурлари билан ақдо-маларга мувофиқ янги авиайўналишлар жорий этил-моқда. Апрель ойидан бошлаб Тошкент-Рим йўналиши очил-ди. Бу Африка орқали ва тўри-дан-тўри парвозлар орқали амалга оширилади. Замонавий «Боинг-757» ҳаво кемалари Тошкент - Амритсар - Тошкент, Тошкент - Бирингем - Тошкент ҳаво кўпригини ҳам ўзлашти-ради. Маълумки, Ҳиндистоннинг Панжоб штатидан бўлган кўпчи-лик кишилар Англияга ишай-дилар ва истикомат қиладилар. Ҳиндистон ва Буюк Британияга қатновчи самолётларимиз йўловчиларга тўла бўлади. Шунингдек, мажмур Тошкент-Киев-Нью-Йорк қатновлари ҳам сақ-ланмоқда. Шунингдек, барча қатновлар вақт бўйича қулай мувофиқлашиб Европада Ҳиндистонга ва Жа-нобий-Шарқий Осиё минтақа-сининг бошқа шаҳарларига ўтаётган йўловчилар учун энг қисқа ҳафта жуда соз йўна-лиш ҳисобланади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«АНДИЖОНЁР»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН
САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ. ЮРТИМИЗ ЯНАДА ОБОД
БЎЛИБ, ГУЛЛАБ-ЯШНАЙВЕРСИН!
КЕЛАЖАГИМИЗ БУЮК БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ.**



«АНДИЖОНЁР»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

«ХЎЖАЙЛИМОЙ»

**ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



*Гуллаб-яшнаётган Мустақил юрт фуқароларини қадимий ва навқирон, гўзаллик ва янгиланиш байрами бўлмиш Наврўзи олам билан чин юракдан муборакбод этади!
Биз Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигини таъминлаш борасида халқимиз томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни доимо қўллаб-қувватлаймиз, жамоамизнинг ҳар бир аъзоси хорижий шериклар билан биргаликда иш юритиб, юртимизнинг бой-бадавлат бўлишига, тараққий этишига муносиб ҳисса қўшаверади.
Мустақил мамлакатимиз халқини байрам билан қутлар эканмиз, Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, оиласида тинчлик, осойишталик, тотувлик бўлишини тилаймиз!*

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК:

«ОБУНАЛОТО»

«ОБУНАЛОТО» ЎЙИНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетда чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тағдидаги 12 бўш катакка (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқини жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, яқинидаги почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот тарқатувчиларга топширади. Почта алоқа бўлимидаги масъул шахс тўдирилган чиптани кўздан кечириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўм ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг миқозига қайтарилган қисми ютуқлар тиражидида қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 1 июнда ўтказилади. Қуръа ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетда эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охири олтинчиси, бештиси, тўрттиси, газетдаги рақамга мос келса —

ЮТУҚ ҳисобланади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетда ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки рақамнинг кейинги олти рақами ютуқ рақамига мос тушапти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуқга — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталаридан бирига 6 ой бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 3 ой, тўрт (8754) рақамни топганлар — бир ой ушбу газеталардан бирини бепул олиб турадилар. Охириги уч рақамни (754) тўғри келганларга эса тираж комиссияси имкониятга қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу босдан уларни ташлаб юборишга шоянманг.



«Обуналото» ўйинларимизда иштирок этинг, унда сиз арзимас пул эвазига бебаҳо маънавий бойликни қўлга киритишингиз мумкин. Қимматли вақтингизни сарфлаб газета қидириб юрмайсиз, балки газетанинг ўзи сизни қидириб хонадонингизга кириб боради. Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган! Лекин бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Олти рақамни топган ютуқ соҳиблари яна икки мукофот билан сийланадилар. Биринчиси: ютуқ соҳибининг расми ва ўзи ҳақидаги мақола газетда чоп этилади. Иккинчиси: ютуқ соҳибига реклама учун газета саҳифасидан 100.000 сўмлик жой ажратилади. БУНДАЙ КЎЗ КЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, «ОБУНАЛОТО» ЎЙИНИДА ҚАТНАШИНГ!

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

БУВАМНИ ЭСЛАБ

Бувам Алп Жамол ёшлигимда менга берган тарбиялари, насиҳатлари ва ўзаро бўлган суҳбатларимиз кўз ўнгимдан кетмайди. Ҳаётнинг баландастасини, аччиқ-чучуғини, хилма-хил ва кўз илғамас акир-чирларини тезда пайқаб ва тўғри талқин қила олар эдилар. Кишилар ҳаётини обдон ўрганиб, синчковлик билан кузатиб, уни дадил, рўй-рост ҳикоя қилардилар. Бувам ҳаётларида ниманики ўрганган-орттирган бўлсалар, ҳаммасини ўз халқига инъом қилдилар, ҳақ билан баҳам қўридилар. «Болакам, — дер эдилар, — дилингни илм билан обод қил. Илмсиз кишилар билан суҳбат қурма. Умрингни беҳуда ўтказма. Меҳнатдан қочма, меҳнат — инсон ҳаётини бевайи, унга бахт-саодат келтиради, бойлик-фаровонлик бахш этади. Яхшилик қилишга интил, яхши кишиларни яхши сўз ва яхши ҳаёлар билан сарафроз қил. Тарбиясиз кишилар билан яқинлик қилма. Ақли ва доно кишиларни топиб маслаҳатлаш, отананг олдидаги фарзандлик бурчинини унутма.

Баъзан шундай ёшлар ҳам учраб қоладики, улар давра маданиятини, давралда ўзини тутиш одобини писанд қилмайдилар. Агар ҳар қандай давралда жўралар ёши ҳамма вақт ҳам бир хил бўлавермаслиги назарга олинса, бундай пайтларда овозга эҳтиёт бўлиш зарурияти туғилади. Чунки бирон ўсмир катта ёшдаги кишилар олдида хунук сўз айтса, ноўрин ҳазиллашса, бу одобсизлик катта ёшдаги одамга жуда малол келиши мумкин.

Бир кун бувам меҳмондорчиликка борадилар. Бир тоғда катта ёшдаги кишилар, ёзувчилар, олимлар ва бир ёш йигит ўтирдилар. Айтишларича, боғи йигит ўзини чунонам ақли кўрсатиб, маҳмадонлик қилардилар. Ушунда бувам «Жинни одам жим ўтирса жиннилик билдирмайди» деб боғи йигитнинг гапига нуқта қўйган эканлар.

Мен ёшлигимда ёз фаслини Алп Жамол бувамининг уйларида ўтказардим. Бувам табиати, жониворларни жуда севардилар. Ҳовли катта бўлиб, иккига: катта ва кичик ҳовлига бўлинган эди. Катта ҳовлида гилос, шотут, шафтоли, олма, ўрикли боғ эди. Бувам райҳон ва атиргуллини яхши кўрганликлари сабаб боғимизда гуллар чаман бўлиб турарди. Бувам ёзининг иссиқ кунларида оқ ахтак кийиб, давракт шоҳига осилган тўр қовоқдаги беданларнинг сайрашидан завқланиб ишлардилар. Кичик ҳовлида 5-6 та қўй ва 20 тача товۇқ боқиларди. Бувамининг тақдор-тақдор айтган сўзлари ҳеч ёлмидан чиқмайди. «Болам, — дер эдилар, — табиатни ва жониворларни севган инсон кам бўлмайди. Қўй бор хонадонда барака бўлади. Товуқ ҳам етти хазинанинг бири. Бу гапнинг маъносига энди тушунадим.

Бувам ҳамма фарзандлари, набираларини йигиб, катта дастурхон атрофида овқатланишни яхши кўрардилар. Бувамининг табиатини характерлари қизиқ эди, суҳбатдошлари ким бўлишдан қатъий назар унинг юрагига йўл топар, суҳбатдошнинг руҳини кўтариб, хушнуд эта олардилар.

Ёз ойлари эди. Алп Жамол бувам бозор-ўчар қилиб, қизил «Москвич»да келдилар. Мен машинадаги нарсаларни уйга олиб кирдим. Бувам ҳайдовчига кира ҳақини бердилар ва унга «подвола 3-4 та самовар этибди, керак бўлса биттасини олиб кет» дедилар. Мен ертўлага тушиб битта самовар олиб чиқиб ҳайдовчига бердим. У бувамга «рақамат» деб тиб кетди. Орадан 3-4 соат ўтгандан кейин ҳайдовчи яна уйга қайтиб келди. Ва мендан буваминг чақир деб сўради. Мен бувам дам олингилар десам ҳам қўймади. Бувам тешиқ самовар берган бўлсалар алмаштириб кетишга келган бўлса керак, деб ўйладим. Бувам чикдилар: «Келинг укам, тинчликми?» дедилар. Ҳайдовчи чўнтагидан бир почка 10 сўмлик чиқариб «Амаки мана бу пул самоварнинг ичидан чиқди» деб пулни узатди, бувам пулни олиб «Эй, баракалла, яхши иш қилдинг, мен сени синамоқчийдим», — деб почкадан бешта 10 сўмлик олиб ҳайдовчига узатдилар. Мен ҳайдовчининг қилган ишидан ҳайрон бўлиб қолдим. «Худо берди» деб кетсам бўларди, лекин бунақа қилмади. Менимча, бувам у билан қадрдон дўстдай гаплашиб келган бўлсалар керак.

Бундан бир неча ўн йил муқаддам бир кун ҳовлида ўйнаб юрган эдим, бир тиланчи йигит йўлакдан ҳовлига кириб келди. Бувам ўшунда ҳовлидаги гуллар билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тағдидаги 12 бўш катакка (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқини жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, яқинидаги почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот тарқатувчиларга топширади. Почта алоқа бўлимидаги масъул шахс тўдирилган чиптани кўздан кечириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўм ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг миқозига қайтарилган қисми ютуқлар тиражидида қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 1 июнда ўтказилади. Қуръа ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетда эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охири олтинчиси, бештиси, тўрттиси, газетдаги рақамга мос келса — ЮТУҚ ҳисобланади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетда ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки рақамнинг кейинги олти рақами ютуқ рақамига мос тушапти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуқга — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталаридан бирига 6 ой бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 3 ой, тўрт (8754) рақамни топганлар — бир ой ушбу газеталардан бирини бепул олиб турадилар. Охириги уч рақамни (754) тўғри келганларга эса тираж комиссияси имкониятга қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу босдан уларни ташлаб юборишга шоянманг.

«НАВРЎЗ РИВОЯТИ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз газетхон! Ушбу машқ ўрта аср қомийи алломаси бўлган вағандошимиз Абу Райҳон Беруний ёзиб қолдирган куйидаги ривоят асосида тузилган.

Абдусамд ибн Алидан ривоят қилинишича, у (бу ривоятни) бобоси Абдулла ибн Аббосга олиб бориб тақайди. Наврўз кун пайғамбар алайҳиссаломга ҳола солинган кумуш жом ҳаля қилинган. Шунда пайғамбар «Бу нима?» — дедан. «Наврўз», — деб жавоб берганлар, Пайғамбар: «Наврўз нима?» — деб сўраган. «Бу улуг ҳайит», — дедилар. Пайғамбар: «Тўғри, бу шундай бир кунки, Худо бунда аскарани тиргизган», — дедан.

«Аскара нима?» деб сўраганлар. Пайғамбар: «Улар мингларча бўла туриб ўлимдан қўрқиб ўз мамлакатларидан чиққан (кишилардир). Шунда Худо уларга «ўлинг» дедан. Сўнгра уларни шу — Наврўз кунда тиргизиб, руҳларини ўзларига қайтарган. У Осмонга буюрган, Осмон уларнинг устиларига ёлғир ёғдирган. Шунинг учун одамлар Наврўз кунини сўв сепишни расм қилиб олганлар», — дедан. Кейин Пайғамбар ҳолвани еб, жомни (синдириб) суҳбатдошларига тақсим этган...

Энди куйидаги таърифланган сўзларни топинг. Қавс ичидagi рақам жавобларнинг нечта ҳарфлигини аниқлади.


1. Наврўз сайилида ўтказилган миллий беллашув мусобақаси (5).
2. Байрам таомига ишлатилган баҳор кўкати (7).
3. Миллий чавандозлик мусобақаси (4).
4. Қамалнинг белгиси (4).
5. Халқ термалари асосидagi кўшиқ (4).
6. Кўкламнинг илк гули (8).
7. Хушбўй ўсимлик (6).
8. Ток туپи қисми (4).
9. Умар Хайёмнинг қадимий баҳор айёмига оид рисоласи (11).
10. Таомга ишлатилган барра ўсимликлар мажмуи (5).
11. Утмишда Шарқ мамлакатига Наврўз кунини ҳаля қилинган ширинлик (5).
12. Гулзор маскан (6).
13. Наврўз бошланган ой (5).
14. Кичкинтойлар учқичи (6).
15. «Гул ва Наврўз» достони муаллифи (6).
16. Кўкламга оммавий томошлар (5).
17. Наврўз қадимдан нишонланган Осиё жанубидagi мамлакат (4).
18. Экинзор маскан (4).

Энди шакл айланаларидаги рақамларни жавоб сўзларидаги биринчи ҳарфлар билан алмаштиринг. Сўнг бош ҳарфни топиб йўналиши бўйича ўқинг. Ана шу йўсинда ўйлангани ҳал этиш билан юқоридаги ибратли ривоятнинг якуини билиб олишга муваффақ бўласиз.

■ **Фозилжон ОРИПОВ** тузди.

ЖАВОБЛАРИ:

1. Қураш
2. Имомлик
3. Имомлик
4. Амал
5. Ўлма
6. Бойчақ
7. Раҳиқ
8. Зант
9. Жашк
10. Шайх
11. Ил
12. Дала
13. Чаман
14. Варрак
15. Ўлтин
16. Саин
17. Ўлма
18. Ўлма



«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жомаси тахририй ходими Юнус Зийедовга ўқаси
Аҳрол ҲИДОЯТОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ АОТ «УЗПУЛАТКУРИЛМАЛОЙИХА!»

25 апреля 2000 года в 10⁰⁰ часов состоится общее собрание акционеров по адресу: г. Ташкент, ул. Лахути, 42. Дата закрытия реестра на право участия в собрании 24.03.2000 г.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Годовой отчет правления о финансово-хозяйственной деятельности за 1999 год
2. Отчет ревизионной комиссии о финансовой деятельности.
3. Утверждение годового отчета и бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков общества и их распределение.

Баланс АОТ «Узпулаткурулмалойиха» за 1999 год.

№	АКТИВ	СУММА	ПАССИВ	СУММА
1.	Долгосрочные активы	8481	Источники собственных средств	11161
2.	Оборотные активы	11190	Обязательства	8510
	Итого	19671	Итого	19671

Балансовая прибыль составила — 10978
Налоги и прочие отчисления — 9699
Чистая прибыль — 1279

АУАНТОРСКАЯ ПРОВЕРКА ПРОВЕДЕНА ООО «МИРТА КОНСАЛТИНГ СЕРВИС» В ФЕВРАЛЕ 2000 ГОДА.

(Газетанинг навбатдаги сони 25 март, шанба кун чикади.)

БОШ МУҲАРРИР

- АЗИМ СУҲОН**
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙУЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алишқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

- Сўбат — 133-44-55
Иқтисодийёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Аxbорот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоида — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урағчода — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КҲАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Қўшқор Норқобил
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи

Бахтиёр Жуманов
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41-уй.

Ўйқатдан ўтин тартиби
№ 00004
Газета офсет усулда, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат тахририй руҳияти билан амалда оширилади.
Г — 182

Тошириш вақти -- 21.00.
Тоширилади -- 22.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРҲДА